

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.03/30.12.2019.GR.01.06 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМОЗОВ ЖЎРАБЕК АБДУАЗИЗОВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА**  
**Фойдаланишнинг иқтисодий географик жиҳатлари**

**11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Намозов Жўрабек Абдуазизович**

Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг  
иқтисодий географик жихатлари.....3

**Намозов Журабек Абдуазизович**

Экономико географические аспекты рационального использования земельно-  
водных ресурсов Самаркандской области.....21

**Namozov Jurabek Abduazizovich**

Economical geographical aspects of the rational use of land and water resources of  
the Samarkand region.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.03/30.12.2019.GR.01.06 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМОЗОВ ЖЎРАБЕК АБДУАЗИЗОВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА**  
**Фойдаланишнинг иқтисодий географик жиҳатлари**

**11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr16 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (nuu.uz) ҳамда «Ziyo.net» Ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматкулов Абдурашид Вахидович**  
иктисод фанлари доктори, профессор

**Ибрагимова Азиза Алимбаевна**  
география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ikgeografiya.nuu@mail.ru](mailto:ikgeografiya.nuu@mail.ru) (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.)

Диссертация автореферати 2021 йил «9» январда тарқатилди.  
(2021 йил «9» январдаги 28-рақамли реестр баённомаси).



**Н.И.Сабитова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**З.Н.Тожиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Ўзбекистон Республикаси **Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ер ва сув ресурслари арид иқлимли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига катта таъсир кўрсатадиган табиий омиллар сирасига мансуб. Ҳозирги даврда аҳолининг юқори суръатлар билан кўпайиши ва, аynи пайтда, иқлимнинг глобал исиб бориши сабабли кўп давлатларда сув танқислиги билан боғлиқ жиддий хавф-хатарлар вужудга келмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, ер ресурсларидан фойдаланиш тизимига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва кишлок хўжалиги (FAO) кўмитаси маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида йилига 6-7 млн. гектардан ортик ҳайдаладиган ерлар деградацияга учраши натижасида деҳқончиликдан чикиб кетмоқда<sup>1</sup>. Бу эса, айниқса арид иқлимли мамлакатларда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида кишлок хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий ўзгарувчанлигини аниқлашга, мазкур ресурслар билан таъминланганлик ҳолати ва улардан фойдаланишдаги минтақалар ўртасидаги тафовутларини камайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Кишлок хўжалиги ихтисослашувини табиий шароитга мослаштириш, бузилган ерларни кишлок хўжалиги оборотига қайтариш, ҳудудлар доирасида агроэкологик сиёсатни амалга ошириш, сугориладиган ер ва чучук сув миқдори прогнозини ишлаб чиқиш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш ва унинг таркибини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида ҳудудларда кишлок хўжалигини қайта ихтисослаштириш, ер-сув ресурсларини ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда ва бу борада сезиларли ютуқларга эришилмоқда. «Кишлок хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси»да «кишлок хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштириш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳудудий таркиби ва омилларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Кишлок хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> FAO, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication (<http://www.fao.org/greenconomy>).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Кишлок хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 841-сон «мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, 2020 йил хосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва махсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси», «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш ва ундан оқилона фойдаланиш йўллари асослашга Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги кўп географларнинг тадқиқотлари багишланган. Ер ва сув ресурсларини географик тадқиқ қилишнинг назарий ва амалий масалалари хорижий олимлардан Д.Л.Арманд, Ю.Д.Дмитревский, К.В.Долгополов, А.Г.Исаченко, Н.Н.Клюев, В.А.Ковда, Б.И.Кочуров, В.Г.Крючков, А.А.Минц, А.М.Носонов, А.Н.Ракитников, Б.Г.Розанов сингари табиий ва иқтисодий географларнинг асарларида кўриб чиқилган. Ушбу олимларнинг ишларида ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш ва қишлоқ хўжалиги нуктаи назаридан таснифлаш, ландшафтларнинг агроиқтисодий салоҳиятини баҳолаш, эрозия ва тупроқ шўрланиши каби салбий табиий жараёнларга қарши курашиш услубиёти, турли табиат зоналари ва баландлик минтақалари шароитида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий географик асослари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатлари Ш.А.Азимов, З.М.Акрамов, Ю.И.Аҳмадалиев, А.Баратов, Ф.М.Раҳимбоев, И.Қ.Назаров, А.Н.Нигматов, А.Раҳматуллаев, Ш.И.Усмонов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бу олимларнинг тадқиқотлари асосан республикамизнинг турли ҳудудлари ер ва сув ресурслари салоҳиятини баҳолаш, ерларни мелиорациялашнинг илмий асосларига багишланган.

Бироқ, ҳозиргача Ўзбекистонда ер ва сув ресурсларидан ҳудудлар миқёсида фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва меъёрлари комплекс равишда етарли даражада ўрганилмаган. Жумладан, агрогеографик шароити анча хилма-хил, демографик салоҳияти эса катта бўлган Самарқанд вилояти мисолида бу масалаларни иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ қилиниши интенсив даражада ўзлаштирилган ҳудудларида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация

иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-34 “Зарафшон минтақаси ҳудудида жойлашган саноат объектларининг атроф-муҳит ва табиатга таъсиридан келиб чиқувчи экологик муаммоларни ҳал этишнинг амалий йўллари” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий географик жиҳатларини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги ерларида сугориладиган ва экин ерлар нисбати орқали туманлар аграр салоҳиятини аниқлаш;

хўжалик тармоқлари жойлашувининг тупроқ бонитет бали билан боғлиқлигини ҳисоблаш;

вилоятнинг чўл ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзгаришига яйлов чорвачилигининг таъсир даражасини аниқлаш;

сугориладиган ер ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори прогнозини ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилояти туманлари сугориладиган ерларини сув ресурслари билан таъминланганлик ҳолати бўйича таснифлаш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий самарадорлигини (индексларда) ҳисоблаш ва туманлар доирасида гуруҳлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Самарқанд вилояти ер-сув ресурслари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** вилоят ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий таркиби ва омиллари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда географик таққослаш, статистик таҳлил, картографик, районлаштириш, математик, тарихий, социологик сўров ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти хўжалик тармоқлари жойлашувининг тупроқ бонитет бали билан боғлиқлигини аниқлаш ( $\rho=0,47$ ) Спирмен корреляцияси усулини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

вилоятнинг чўл ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзгаришига яйлов чорвачилигининг таъсир даражаси (кучли, ўртача, кучсиз) аниқланган;

вилоят сугориладиган ерларига тўғри келадиган сув ресурслари миқдорининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

туманларнинг гидромелиоратив вазияти акс эттирилган Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан фойдаланиш картаси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Самарқанд вилояти сугориладиган ерларнинг ҳудудий хусусиятлари картасхемаси яратилган;

вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган ичимлик суви миқдорининг 2030 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

сугориладиган ерларга тўғри келадиган сув ресурсларининг 2018 ва 2030 йиллардаги ҳолати вилоят туманлари доирасида гурухлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертация иши натижалари ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Самарқанд вилояти статистика бошқармаси, Самарқанд вилояти фермерлар кенгаши маълумотлари ҳамда муаллифнинг ҳудудларда бевосита олиб борган кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган хариталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик жиҳатларининг асосланганлиги, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туманлар сугориладиган ерларини сув ресурслари билан таъминланганлик ҳолати бўйича гурухлаштирилганлиги, ер ва сув ресурслар миқдорининг чекланганлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳудудлар миқёсида оқилона ташкил этишга қаратилган тадбирларнинг ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ер-сув ресурслари салоҳияти ва улардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс иқтисодий географик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Самарқанд вилояти хўжалик тармоқлари жойлаштиришда тупроқ бонитет балининг ҳисобга олиш ҳақидаги таклифлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугориладиган экин ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиб беришнинг олдини олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 03-02/3-562-сон маълумотномаси). Натижада, муҳофаза остига олинadиган сугориладиган ерларни аниқлаш имконини берган;

вилоятнинг чўл ва тоғолди ҳудудларида яйлов чорвачилиги таъсирида қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзгаришига оид таклифлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида (2019–2021 йй.) чўлланиш ва эрозияга қарши комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 03-02/3-562-сон маълумотномаси). Натижада, яйлов ерларини ҳимоя қилиш мақсадида ўрмонзорлар майдонини кенгайтириш режасини ишлаб чиқиш имконини берган;



Самарқанд вилояти сугориладиган ерларига тўғри келадиган сув ресурслари миқдорининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг 2019–2022 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 05/022-2526-сон маълумотномаси). Натижада, вилоят ҳудудида томчилатиб сугориладиган майдонлар режасини ишлаб чиқиш имкониятини яратган;

Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан фойдаланиш картаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 2020–2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чоратadbирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 05/022-2526-сон маълумотномаси). Натижада, вилоят ҳудудида кўшимча сугориладиган ерлар майдонини белгилаб олишга хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми - 146 саҳифадан иборат бўлиб, шундан матн қисми - 120 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер-сув ресурсларини географик ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ер ва сув ресурсларини ўрганишнинг географик жиҳатлари ҳамда улардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик йўналишлари асослаб берилган. Бунда иқтисодий ва экологик самарадорлик умумлаштирилиб, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлик тушунчаси қўлланилди.

Турли соҳа вакиллари ер ва сув ресурсларини ўз мақсади доирасида тадқиқ этади. Жумладан, қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда (саноат, транспорт) ер ёки сув одатда, шароит сифатида ўрганилса, қишлоқ хўжалигида улар асосий (ҳал қилувчи) ресурс (бойлик) ҳисобланади. Қолаверса қишлоқ хўжалиги шаклланишига табиий ресурслар (тупроқ, намлик, ёруғлик ва иссиқлик) билан бирга иқтисодий омил (меҳнат) ҳам бирдек таъсир кўрсатади, яъни уни ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Бу ресурслар табиат билан узвий боғланган бўлиб, бошқа моддий ресурслардан фарқли равишда ердан (тупроқдан) оқилона фойдаланилганда фойдали хусусияти (унумдорлиги) ортиб боради. Сув ресурслари хўжаликда фойдали бўлиши учун доимо ҳаракатда бўлиши лозим. Мазкур ресурсларни хўжалик мақсадида ўрганишнинг асосий шарти, улардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этилишидир. Ҳудудий ташкил этиш эса маъмурий, регионал-иқтисодий, ҳавзали ҳамда ландшафт ёндошувларида амалга оширилади. Тадқиқот йўналиши доирасида уларнинг баъзиларига кўпроқ (маъмурий, ҳавзали), айримларига (ландшафт) қисман аҳамият берилди.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда замонавий тадқиқотларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлиб, бу борада “барқарор ривожланиш концепцияси”<sup>3</sup> алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур концепцияга кўра аҳоли ривожланиши табиий ресурсларнинг ўзини тиклаш қобилиятидан юқори бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари ер ва сув ресурсларини ўрганишда фанлар интеграциясидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. Мазкур тадқиқот доирасида оладиган бўлсак, марказда иқтисодий география (иқтисодий географик тадқиқотлар), ундан олдин табиий география, кейин эса минтақавий иқтисодиёт фанлари туради. Чунки табиий географияга оид асосий тушунчаларни (ер ва сув ресурсларининг ҳосил бўлиши, табиатдаги айланма ҳаракати) ўрганмасдан туриб, иқтисодий географик тадқиқотларни амалга ошириб бўлмайди. Қолаверса табиий география иқтисодий географияга асос (фундамент) вазифасини бажаради. Бироқ шу билан бирга фаннинг амалийлашувида, ишлаб чиқаришга, айниқса аҳолига яқинлашишида иқтисодий географик тадқиқотлар муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида тадқиқотларнинг самарадорлиги минтақавий иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ушбу фан иқтисодий географияга нисбатан амалиётга яқин туради. Бу алоқани икки томондан яна узайтириш мумкин (палеогеография, макроиқтисодиёт), бироқ диссертацияда асосан юқоридаги фанлар алоқасидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «Самарқанд вилояти ер - сув ресурслари ва улардан фойдаланиш» деб номланган иккинчи бобида вилоят ер ва сув ресурслари ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш даражаси ҳудудлар миқёсида кўриб чиқилган.

Сугориладиган ерлардан иқтисодиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун уларни ҳудудлар миқёсидаги ҳолатини аниқлаб олиш фойдали

---

<sup>3</sup> БМТнинг “Атроф-муҳит ва таракқиёт” мавзудаги конференцияси. Рио-де-Жанейро, Бразилия, 1992.

бўлади. Шу мақсадда, қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзаро нисбати ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари диаграмма кўринишида тасвирланди (1-расм). Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларида сугориладиган (24 %) ва экин ерлар (33,6 %) улуши камроқ бўлиб, бу бевосита унинг жойлашган ўрни (арид минтақа) билан боғлиқ. Сугориладиган ҳамда экин ерлар таркибида эса “сугориладиган экин ерлар” (67,1 ва 58,1 %) улуши кўплиги эса, минтақанинг асосан аграр соҳага ихтисослашганлигини билдиради.



1-расм. Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари ўзаро нисбати (% ҳисобида)

Қишлоқ хўжалигида сугориладиган ерлар улуши асосан сув билан яхши таъминланган жойларда (Оқдарё, Тайлоқ, Пастдарғом) яхшироқ бўлса, экин ерлар улуши Нарпай туманида ҳам қониқарли ҳолатда. Умумий экин майдонида сугориладиган экин ерлар табиийки интенсив деҳқончилик ривожланган ҳудудларда кўпроқ бўлиб (Оқдарё, Тайлоқ, Нарпай), сув билан яхши таъминланганлиги сабабли уларда лалми ерлар дерли йўқ. Нуробод туманида эса аксинча, сугориладиган ерларнинг катта қисмини экин ерлар эгаллайди (87,4 %). Бу ҳолат иқтисодиёт тармоқларини ҳудудий ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сув ресурслари тақсимотини ҳудудлар миқёсида оқилона йўлга қўйишни тақозо этади.

Самарқанд вилояти Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ЗИТХБ) ҳисобидаги 6 та ирригация тизимларидан сув олади. Вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан энг кўп сув Пайарик ва Пастдарғом туманлари

ҳисобига тўғри келади (462,9 млн м<sup>3</sup>). Энг кам миқдор Қўшработ (8 млн м<sup>3</sup>) ва Нуробод туманлари (61,5 млн м<sup>3</sup>) ҳисобига тўғри келади. Сув тақсимооти бевосита ҳудудларнинг жойлашган ўрни билан боғлиқ. Бошқа сув манбаларидан тоғ ва тоғолди районларида сой сувларининг ҳам аҳамияти юқори (73 млн м<sup>3</sup>). Асосан ичимлик мақсадларида ишлатиладиган ер ости сувларидан фойдаланиш (58 млн м<sup>3</sup>) шаҳар атрофи (Тайлоқ, Самарқанд) ва чўл ҳудудларида (Нуробод, Пахтачи) кўпроқ йўлга қўйилган.

1-жадвал

**Вилоятнинг сугориладиган ер ва сув ресурслари салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро нисбати**

№	Туманлар	Сугориладиган ерлар (гектар ва % ҳис.)	Сув ресурслари (млн м <sup>3</sup> ва % ҳис.)	1 га ерга тўғри келадиган сув (м <sup>3</sup> ва индекс ҳис.)
1	Булунғур	29859	227	7602.4
		7.9	7.1	0.897
2	Жомбой	31600	236.2	7474.7
		8.4	7.4	0.878
3	Иштихон	31503	255.1	8097.6
		8.4	8.0	0.949
4	Каттакўрғон	34606	348.9	10082.1
		9.2	10.9	1.184
5	Нарпай	27493	287.5	10457.2
		7.3	9.0	1.230
6	Нуробод	6961	61.5	8834.9
		1.8	1.9	1.067
7	Оқдарё	28657	204.0	7118.7
		7.6	6.4	0.838
8	Пастдарғом	53896	448.6	8323.4
		14.3	14.0	0.980
9	Пахтачи	23720	271.6	11450.3
		6.3	8.5	1.347
10	Пайариқ	40817	382.9	9380.9
		10.8	12.0	1.107
11	Самарқанд	15454	131.1	8483.2
		4.1	4.1	0.999
12	Тайлоқ	16284	118.6	7283.2
		4.3	3.7	0.861
13	Урғут	30306	182.8	6031.8
		8	5.7	0.714
14	Қўшработ	5745	8.0	1392.5
		1.5	0.2	0.167
Вилоят		379595	3201.7	8434.5
		100	100	1.000

*Изоҳ.* Жадвал каср кўринишида берилган бўлиб, унинг суратида мутлоқ, маҳражидида эса нисбий кўрсаткичлар берилган. Жумладан, сугориладиган ер ва сув ресурсларининг вилоятга нисбатан улуши ҳамда уларнинг ўзаро нисбати индекси келтирилган.

Ер ва сув ресурсларини биргаликда ўрганишда сугориладиган ерларнинг аҳамияти юқори бўлиб, ушбу ерларни сув билан қандай таъминланганлиги

аграр соҳа салоҳияни кўрсатиб беради. Вилоят бўйича 1 гектар сугориладиган ерга тўғри келадиган сув тақсмоти ўртача 8434,5 м<sup>3</sup> га тенг бўлиб, мазкур кўрсаткич ҳам ҳудудлар бўйича фарқ қилади (1-жадвал). Бу борада эҳтиёжи юқори бўлган гарбий туманлар (Нарпай, Пахтачи) сув ресурслари билан анча яхши таъминланган. Чунки, ушбу ҳудудларда, шўр ювиш ишлари ҳам амалга оширилади.



**2-расм. Вилоят сугориладиган ерларига тўғри келадиган сув миқдори динамикаси (м<sup>3</sup> ҳисобида)**

Сув ресурсларидан фойдаланиш динамикасида ҳам турли ўзгаришлар кузатилади (2-расм). Минтақада сув танқис бўлган мавсумлар сифатида 2008, 2011-2014 йилларни кўрсатиш мумкин. Аксинча 2010, 2017-2018 йилларда сув ресурслари ҳолати анча яхши бўлган. Бунга табиий (иқлимий ўзгаришлар), ташкилий (маъмурий-ҳукукий) омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади.

2-жадвал

**Самарқанд вилояти аҳоли жон бошига тўғри келувчи сугориладиган ер ва сув ресурслари индекси**

№	Туманлар	Сугориладиган ер (га ҳис.)	Индекс	Сув ресурслари (м <sup>3</sup> ҳис.)	Индекс
1	Булунғур	0,18	1,661	1084,7	1,514
2	Жомбой	0,21	1,955	1375,8	1,723
3	Иштихон	0,14	1,300	1034,9	1,238
4	Каттакўрғон	0,14	1,313	1379,2	1,513
5	Нарпай	0,14	1,321	1355,7	1,592
6	Нуробод	0,05	0,468	449,4	0,520
7	Оқдарё	0,20	1,866	1222,9	1,547
8	Пастдарғом	0,23	2,228	1888,0	2,197
9	Пахтачи	0,07	0,697	832,2	0,907
10	Пайариқ	0,30	2,855	2927,2	3,304
11	Самарқанд	0,07	0,635	611,0	0,696
12	Тайлоқ	0,09	0,845	677,2	0,766
13	Урғут	0,07	0,630	410,2	0,473
14	Қўшрабат	0,05	0,451	139,9	0,090
	Вилоят бўйича	0,10	1,000	813,5	1,000

Ер ва сув ресурслари иқтисодиётда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган асосий бойликлардан ҳисобланади. Вилоятда киши бошига ўртача 0,10 га сугориладиган ер ва 813,5 м<sup>3</sup> сув ресурслари тўғри келади (2-жадвал). Ушбу ресурслар билан таъминланганлик ҳолати туманлар миқёсида 6-6,5 баробаргача фарқ қилади. Уларнинг ўзгариши асосан аҳоли сонига боғлиқ бўлса-да, табиий ва иқтисодий омилларнинг ҳам таъсири ортиб бормоқда. Табиий омилларга иқлимнинг ўзгариши ва унга боғлиқ ҳолда сув ресурслари режимини бузилишини, иқтисодий омилларга эса қишлоқ хўжалигининг интенсивлашиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин.


Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассислар (фермерлар) билан анкета-сўровнома сўролмади. Сўровномада 6 та тумандан 440 та фермер иштирок этди (5,6 %). Фермерлар асосан куйидаги фикрларни билдиришди.

зовур ва дренажлар аҳволи қониқарли эмас (тозалаш ишлари суст);  
 сув олиб келиш қимматга тушмоқда (технологияни яхшилаш керак);  
 таксимот ҳам яхши йўлга қўйилмаган (маъмурий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш лозим);

мелиоратив тадбирларни олиб бориш учун техника етишмайди ва ҳоказо.

Бу борада фермерлар ўзларининг бир неча тавсияларини билдиришди. Жумладан, собиқ машина трактор парки (МТП) фаолиятини тикланса ёки шунга ўхшаш хизмат йўлга қўйилса, ер ва сувдан фойдаланиш бўйича консультациялар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Диссертациянинг «**Минтақа ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш ҳақида сўз юритилган.



3-расм. Вилоят ер ресурсларидан хўжаликнинг турли тармоқларида фойдаланиш ҳолати индекси

Вилоят ер ресурслари ҳолатини мониторинг қилиш ва улардан иқтисодиётда оқилона фойдаланиш мақсадида баҳолаш ишлари амалга



оширилди (3-расм). Диаграммада кишлок хўжалиги ҳамда саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги нисбати ва бонитет индекси орқали ҳисобланган маълумотлар келтирилган бўлиб, бунда туманлар кўрсаткичи қанча паст бўлса кишлок хўжалигидан бошқа соҳалар шу ҳудудда жойлаштириш тавсия қилинган.

3-жадвал

**Вилоят тоғ ва тоғолди ҳудудлари яйловларида чорва сигими таъсир даражаси**

№	Туманлар	Яйлов ерлари (минг га)	Чорва сони (минг бош)		Сигим		Таъсир даражаси
			Қорамол	Қўй	Қорамол	Қўй	
1	Булунғур	17,2	160,7	144,1	9,3	8,4	кучли
2	Каттакўрғон	49,9	146,8	163,1	2,9	3,3	ўртача
3	Нуробод	352,5	64,9	583,8	0,2	1,7	кучсиз
4	Пайариқ	42,1	108,1	101,9	2,6	2,4	ўртача
5	Урғут	46,1	184,2	110,9	4,0	2,4	ўртача
6	Қўшработ	150,5	105,5	385	0,7	2,6	кучсиз
Жами		658,3	770,2	1488,8	3,3	3,4	

Бундан ташқари туманларнинг кишлок хўжалиги ва саноат кўрсаткичлари нисбати (ўрни) тупроқ бонитетидаги ўрни билан боғлиқлиги Спирмен корреляция коэффициентидан аниқланди.

$$\rho = 1 - (6 \cdot \sum d^2 / n(n^2 - 1)) = 1 - 1,45 = -0,45$$

Демак булар орасида ўртачадан паст (0,3 - 0,7 оралиги) тесқари боғлиқлик мавжуд бўлиб, хўжалик тармоқларини жойлаштиришда тупроқ бонитети қисман эътиборга олинади.

4-жадвал


**Вилоят туманларида суғориладиган ерларга тўғри келадиган сув ресурслари индекси**

№	Туманлар	Индекслар оралиғи		
		2018 йил	2030 йил	
1	Олдиндан муаммоли ҳудудлар	Нуробод, Қўшработ	0.131-0.327	0.107-0.267
2	Ҳозирда муаммоли ҳудудлар	Урғут, Булунғур, Пахтачи, Тайлок, Окдарё	0.731-0.951	0.596-0.775
3	Келажакдаги муаммоли ҳудудлар	Жомбой, Иштихон	1.046-1.203	0.853-0.980
4	Вактинча муаммосиз ҳудудлар	Самарқанд, Каттакўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пайариқ	1.445-3.313	1.177-2.700
Вилоят бўйича			1.472	1.199

Қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзгаришига яйлов чорвачилининг ҳам таъсири кучайиб бормоқда. Мазкур жараён айниқса, ушбу соҳа ривожланган тоғ ва тоғолди ҳамда чўл ҳудудларида давом этмоқда. Вилоят ҳудудида яйлов

чорвачилиги асосан тоғ ва тоғолди (Ургут, Булунгур, Каттакўргон, Пайарик) ҳамда чўл худудларида (Нуробод, Қўшработ) кенг тарқалган. Ушбу худудларда яйлов ерлари майдони ва чорва сони қуйидагича тақсимланган (3-жадвал). Жадвалдан кўриш мумкинки асосан тоғ ва тоғолди худудларида чорва сизими юқори бўлиб, ер ресурсларининг эрозияга учрашига сабаб бўлмоқда. Чўл худудларида эса гарчи чорва сизими камроқ бўлсада, ўсимлик қоплами жиҳатидан бу ерда ҳам вазият ўртачадан юқоридир.

Сугориладиган ерларга тўғри келадиган сув ресурслари прогнози ишлаб чиқилди. Бунга асос қилиб, гидромодулли районлаштиришдаги вилоят ҳисобига тўғри келадиган 6000 м<sup>3</sup> сув миқдори олинди (Раҳимбоев Ф.М. ва бошқ. Қишлоқ хўжалигида сугориш мелиорацияси. 1994). Сўнгги 13 йиллик маълумотлар ёрдамида 12 йил (2030 йилгача) башорат қилинди ва туманлар доирасида таснифланди (4-жадвал). Мазкур жадвал ёрдамида сув билан боглиқ муаммоли худудлар аниқлаб олинди ва сув ресурсларидан интенсив фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар белгиланди.



4-расм. Вилоят туманларининг томчилатиб сугориладиган ерлардаги улуши (% ҳисобида)

Сув ресурслари билан боглиқ муаммоларни ҳал қилишнинг экстенсив ва интенсив йўллари таклиф қилинди. Экстенсив, яъни кўшимча имкониятларни ишга солиб самарадорликка эришиш учун вилоят тоғли худудларидаги сойлар сувини сув омборларига йиғиш орқали сув захираларини кўпайтириш мумкин. Жумладан Тосмачисойда (Пайарик) умумий ҳажми 22,6 млн м<sup>3</sup> (фойдали сув ҳажми 12,3 млн м<sup>3</sup>), Қорасойда (Ургут) 6,0 млн м<sup>3</sup> (3,54 млн м<sup>3</sup>), Олтинсойда (Каттакўргон) 15,0 млн м<sup>3</sup> (8,41 млн м<sup>3</sup>), Кўксаройсойда (Пайарик) 9,5 млн м<sup>3</sup> (6,0 млн м<sup>3</sup>) сув йиғиладиган сув омбори қуриб, улар ёрдамида 10415 гектар ерни сугориш мумкин. Интенсив, яъни мавжуд имкониятдан унумли



фойдаланиш эса замонавий сугориш технологияларини жорий этиш оркали амалга оширилади ва бу борада сезиларли ишлар бажарилди. Вилоятда 2008-2018 йиллар давомида 10 минг гектарга яқин майдонларда томчилатиб сугориш ишлари амалга оширилди (4-расм).

Бундан ташқари аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори ҳам экстраполяция усулида прогноз қилинди. Бунга асос сифатида жами сув захирасининг 2 фоизи олинди<sup>4</sup>. Агар ҳозирда киши бошига вилоятда 45 л. сув тўғри келса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 32 л.га тенг бўлиши мумкин. Ичимлик ва маиший эҳтиёжни қондириш учун ҳозирги шароитда бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) аҳоли сифатий ривожланиши қоидаларига мувофиқ 15-40 л. атрофида сув зарур бўлиб, бу борада, ҳозирча вилоятда фақат ҳудудий муаммолар мавжуд.

Хўжаликда ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни самарадорлик билан бевосита боғлиқ. Мазкур ишда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг хусусий (ҳар бири алоҳида) ва интеграл (биргаликда) самарадорлиги (брутто ва нетто коэффициентда) ҳисоблаб чиқилди (5-жадвал).

5-жадвал


**Ер-сувдан фойдаланиш самарадорлиги индекси**

№	Туманлар	Брутто самарадорлик $E_b$	Нетто самарадорлик $E_n$	Фарқ
1	Булунғур	2,0	1,8	1,1
2	Жомбой	1,7	1,4	1,2
3	Иштихон	1,9	1,7	1,1
4	Қаттақўрғон	0,9	0,9	1,0
5	Нарпай	1,5	1,1	1,4
6	Нуробод	0,7	0,4	1,8
7	Оқдарё	2,2	1,7	1,3
8	Пастдарғом	1,0	0,9	1,1
9	Пахтачи	1,0	0,9	1,1
10	Пайарик	1,0	1,0	1,0
11	Самарқанд	3,4	3,1	1,1
12	Тайлоқ	5,2	4,3	1,2
13	Урғут	2,0	2,0	1,0
14	Қўшрабат	7,2	2,0	3,6
Вилоят бўйича		1,0	1,0	1,0

Нетто (соф) самарадорлик кўрсаткичлари натижаси гуруҳлаштирилганда юқори кўрсаткич шаҳар атрофи туманларида (Тайлоқ, Самарқанд), энг паст кўрсаткич эса энг йирик чўл (Нуробод) туманида қайд этилди. Бундан кўринадики ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги фақатгина улар билан яхши таъминланганлигига боғлиқ эмас. Бундан ташқари брутто ва нетто коэффициентлар фарқи ҳам аниқлаб олинди. Бу борада Қўшрабат (3,6) ва Нуробод (1,8) туманларида ер ва сувдан фойдаланиш ҳолати тафовути юқори эканлиги кузатилди.

<sup>4</sup> undp.org маълумоти

Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда сугориладиган ерларга тўғри келадиган сув ресурслари ва унинг динамикаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер ва сув ҳамда ер-сувдан фойдаланиш самарадорлиги асосий кўрсаткичлар сифатида олиниб, мазкур ишда биринчи марта вилоятнинг гидромелиоратив ҳолати акс эттирилган ер-сув ресурсларидан фойдаланиш картаси яратилди (5-расм).



5-расм. Самарқанд вилояти ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш картаси

Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишда давлатнинг ҳам, истеъмолчиларнинг (фермер ва деҳқон хўжалиқлари) ўз вазифалари бор.

Давлат бошқарув тизими кўпроқ сиёсий-ҳуқуқий (ва маъмурий-ҳуқуқий), макроиктисодий ва истикбол масалаларини ўзида мужассамлаштирган самарали иктисодий ва экологик сиёсатни олиб боришдан иборат бўлиши лозим. Мазкур ресурслардан фойдаланишда истеъмолчиларнинг (айниқса фермерларнинг) ўрни уни ҳудудлар микёсида ўрганишда, самарадорликни аниқлашда муҳим бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, интенсив фойдаланишнинг замонавий тизимларига (агропон, гидропон) ўтиш ҳам замон талаби бўлиб бормоқда.

## ХУЛОСА

Вилоят ҳудудида олиб борилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иктисодий-экологик жиҳатлари улардан фойдаланишнинг барча йўналишларини ўз ичига камраб олади (экологик, иктисодий, географик ва ҳок.). Бироқ мазкур ресурслардан фойдаланишнинг иктисодий географик жиҳатлари унинг тармоқ ва асосан ҳудудий хусусиятларини аниқ ажратиб бериши лозим. Шу боис ушбу ишда маъмурий туманлар доирасида ҳудудий самарадорлик тушунчаси қўлланилди.

2. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда сугориладиган ерларнинг аҳамиятини жуда юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, вилоят туманлари доирасида сугориладиган ерларнинг ўзаро нисбати ҳисоблаб чиқилди ва жадвалга солинди. Жадвалдаги ҳар бир кўрсаткич натижалари диаграмма кўринишига келтирилди. Диаграмма кўрсаткичлари ёрдамида вилоят туманларининг сугориладиган ерлари ҳолатига кўра қишлоқ хўжалиги, жумладан, деҳқончиликни ривожлантириш салоҳияти аниқлаб олинди.

3. Ер ресурсларидан фойдаланишда унинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозим. Бунда унинг жойлашган ўрни, рельефи, сув манбалари билан таъминланганлиги, тупроқ унумдорлиги ва бошқаларни мезон қилиб олиш мумкин. Ушбу тадқиқотда ер ресурсларидан қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда фойдаланиш жараёни фарқи ҳудудлар тупроқ бонитети бали ўртача кўрсаткичи билан таққосланди. Натижаларга кўра, аксарият туманларда унумдор ерлар бошқа соҳаларга берилиб исроф қилиниши аниқланди. Шу боис, сугориладиган ерларни йўқотилишини олдини олиш, уларга нисбатан муносабатни ўзгартириш учун, ер ресурслари айнқса, сугориладиган ерларга оид қонунларга ўзгартириш киритиш таклиф қилинди.

4. 1 га ерга тўғри келадиган сув микдори туманлар доирасида районлаштирилди. Бундан ташқари индексларда ҳисобланиб, прогнози

ишлаб чиқилди. Индикатор сифатида бир вегетация даври учун ўртача 6000 м<sup>3</sup>/га сув миқдори олиниб, туманлар доирасида ҳисоблаб чиқилди ҳамда 4 та гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги туманларда сув жуда оғир муаммо эканлиги сабабли бу ерда қишлоқ хўжалигининг сугорма деҳқончиликдан бошқа соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Иккинчи ва учинчи гуруҳда аграр соҳа ривожланган туманлар бўлиб, уларда сув етишмовчилиги ҳозирдан бошланганлиги боис сув тежайдиган технологияларни ушбу ҳудудларда дастлаб жорий этилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

5. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори ҳам прогноз қилинди. Бунда асосий мезон қилиб жами сув ресурсларининг БМТ таснифидаги маълум бир кўрсаткичи (2 %) олинди. Вилоят бўйича ҳозирги кунда ҳар бир кишига 45 литр сув тўғри келса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 32 литрни ташкил қилади. Бироқ мазкур ҳолат ҳудудлар бўйича кескин фарқ қилади. Асосан дарё бўйи ва тоғ олди туманларида сув билан боглиқ муаммо камроқ бўлса, ундан узоқлашган сари ортиб боради.

6. Сув ресурслари етишмовчилиги ва улардан фойдаланишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда умумлаштирилган ҳолда экстенсив ва интенсив йўллари таклиф қилинди. Бу ерда экстенсив ёки қўшимча имкониятларни ишга солиш йўли сифатида сугориладиган ерлар майдонини кенгайтириш ҳамда сув омборлари сонини кўпайтириш таъкидланди. Интенсив ёки мавжуд имкониятдан унумли фойдаланишга қишлоқ хўжалигига замонавий сугориш технологияларини жорий этиш ва сугориладиган ерларни муҳофаза қилиш таклиф қилинди.

7. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун унинг икки йўли ишлаб чиқилди. Булар брутто ва нетто самарадорлик бўлиб, брутто самарадорлик ўртача арифметик, нетто самарадорлик эса ўртача геометрик кўрсаткичлар орқали ҳисобланди. Бунда туманларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер ва сув ресурслари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бир йиллик суммаси асосий кўрсаткич қилиб олинди. Маъмурий районлар кўрсаткичи ҳисоблаш натижалари ёрдамида гуруҳлаштирилди, нетто ва брутто самарадорлиги индекси фарқи аниқлаб олинди.

8. Вилоятнинг гидромелиоратив ҳолати акс эттирилган ер - сув ресурсларидан фойдаланиш картаси яратилди. Бунда туманлар доирасида сугориладиган ерларнинг сув ресурслари билан таъминланлик ҳолати асосий мезон қилиб олинди.

9. Самарқанддан бошқа яна учта вилоят хўжалиги бевосита Зарафшон дарёси ҳолатига боглиқдир. Бундан ташқари у йирик энергетика захирасига эга бўлиб, бу ҳолат келажакда унинг табиатига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли, яқин истиқболда Зарафшон дарёси сувини назорат қиладиган алоҳида бетараф ташкилот тузиш ҳамда унинг фаолиятини эркин олиб боришини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.2019.G.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**НАМОЗОВ ЖУРАБЕК АБДУАЗИЗОВИЧ**

**ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫХ РЕСУРСОВ  
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.02-Экономическая и социальная география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2019.2.PhD/Gr16

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице по адресу [auka@nuu.uz](mailto:auka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** Каюмов Абдухаким Абдухамидович  
доктор географических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Маматкулов Абдурашид Вахидович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ибрагимова Азиза Алимбаевна**  
кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «20» января 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:ik-geografiya.nuuz@mail.ru). Факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4, Административное здание Национального университета Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.)

Автореферат диссертации разослан «9» января 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 28 от «9» января 2021 года.)



**Н.И.Сабитова**

Продседатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Учбный секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

**З.Н.Тожиева**

Праседатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Земельные и водные ресурсы относятся к числу природных факторов, которые оказывают серьезное влияние на социально-экономическое развитие и продовольственную безопасность стран с засушливым климатом. В настоящее время из-за быстрого роста населения и, одновременно, глобального потепления во многих странах существуют серьезные риски, связанные с водообеспеченностью. Это, в свою очередь, в определенной степени влияет на систему землепользования. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО), ежегодно во всем мире вследствие деградации выходит из оборота 6-7 миллионов гектаров пахотных земель<sup>1</sup>. Это, в свою очередь, настоятельно требует рационального использования земельных и водных ресурсов, особенно, в странах с аридным климатом.

В мире в целях оптимизации использования земельных и водных ресурсов приоритет отдается выявлению региональной дифференциации в использовании земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве, сокращению разрыва между регионами в обеспеченности и характере использования земельно-водных ресурсов. Особое внимание уделяется адаптации сельскохозяйственной специализации к природным условиям, возвращению деградированных земель в сельскохозяйственный оборот, реализации региональной агроэкологической политики, разработке прогноза обеспеченностью орошаемыми землями и пресной водой, совершенствованию структуры и территориальной организации земле- и водопользования.

В Узбекистане в целях рационального использования и охраны земельно-водных ресурсов проводится большая работа и достигнуты определённые результаты по трансформации специализации сельского хозяйства регионов, совершенствованию территориальной организации земельно-водных ресурсов. В «Концепции эффективного использования земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» определены важные задачи по «повышению эффективности использования сельскохозяйственных земель, ускорению интеграции науки и практики для эффективного использования земельных и водных ресурсов»<sup>2</sup>. В этой связи, в частности, большое значение имеют научные исследования, нацеленные на определение территориальной структуры и факторов рационального использования земельных и водных ресурсов Самаркандской области.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, № УП-6024 «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на

---

<sup>1</sup> FAO, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication (<http://www.fao.org/greenconomy>).

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве»

2020-2030 годы” от 10 июля 2020 года, а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан 1025 от 20 декабря 2019 года “О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объёмах производства продукции под урожай 2020 года, эффективному использованию земельных и водных ресурсов”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о Земле», V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования многих географов в Узбекистане и за рубежом посвящены оценке потенциала земельных и водных ресурсов и обоснованию путей их рационального использования. Теоретические и практические вопросы географического изучения земельных и водных ресурсов рассмотрены в трудах зарубежных ученых физико- и экономико-географов Д.Л. Арманда, Ю.Д. Дмитриевского, К.В. Долгополова, А.Г. Исаченко, Н.Н. Ключева, В.А. Ковды, Б.И. Кочурова, В.Г. Крючкова, А.А. Минца, А.М. Носонова, А.Н. Ракитникова, Б.Г. Розанова. В работах этих ученых разработаны основы экономической оценки и классификации земельных ресурсов с точки зрения сельского хозяйства, оценки агроэкономического потенциала ландшафтов, методы борьбы с негативными природными процессами, такими как эрозия и засоление почв, экономико-географические основы рационального использования земельных и водных ресурсов в различных природных зонах и высотах.

Географические аспекты использования земельных и водных ресурсов в Узбекистане изучались Ш.А. Азимовым, З.М. Акрамовым, Ю.И. Ахмадалиевым, А. Баратовым, П.Н. Гулямовым, Ф.М. Рахимбоевым, И.К. Назаровым, А.Н. Нигматовым, Н. И. Сабитовой, А. Рахматуллаевым, Ш.И. Усмановым и другими. Исследования этих ученых, в основном, посвящены научным основам мелиорации земель, оценке потенциала земельных и водных ресурсов в различных регионах страны.

